

ШАРТНОМА № 17941

Тошкент ш.

2022 йил “29” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “AZIZA-LOYIXA” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000490-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Юлдашева А.Т., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 27 - апрельдаги 70321-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Пул-эмас” каналининг Оҳангарон шоҳ кўчаси ён қисмида ўтган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 352 800 000 (Уч юз эллик икки миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш

ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик

ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида

тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили: **ВКН БУ ЦБ г. Тошкент**
100027, Тошкент ш., И.Каримов кучаси, 16а-уй.



Директор **В.Б. Р.У. Кучкаров**


БАЖАРУВЧИ

“AZIZA-LOYIXA” МЧЖ

Адрес: Жиззах шаҳар А. Навоий к-си 5-А уй.
Телефон: +99893 940-00-21
Р/с: 2020 8000 7043 1497 1001
АТ «Алока банк» Тошкент шаҳар Бош офис
МФО 00401
ИНН 204 904 155
ОКЭД 71 110

Директор **Юлдашева А.Т.**





“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

Тошкент шаҳар

«23» 04 2022й.

“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Пул-эмас” каналининг Оҳангарон шоҳ кўчаси ён қисмида ўтган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси

йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (*Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади*)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Пул-эмас” каналининг Оҳангарон шоҳ кўчаси ён қисмида ўтган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 15 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 70321 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “AZIZA-LOYIHA” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 27 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Пул-эмас” каналининг Оҳангарон шоҳ кўчаси ён қисмида ўтган қисмида ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “AZIZA-LOYIHA” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сағдиев




Ш. Қодиров




О. Хамидов



П. Абдусатторов



А. Абдунабиев



Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
 Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 11 апрелдаги 363-14-0-022-сонли қарори
 маҳаллий бюджетга ажратилган маблағлари ҳисобидан
 объектларнинг қуриш бўйича
 2022 йилги МАНВИЛДИ РЎЙЎХАТИ




12.04.2022

№	Жами келимига бўйлаб, заруридан	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун лавозим қўйилмайдиган лавозим					2022 йилда фойдаланишга топширилмаган					20		
								лу қурилди		Буюртмачи бошқа шартларда қурилди			Қурилиш дилт		Асосий фонд		01.01.23 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (қайта ҳисоблаш бўли) ҳолати қилиб қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан		01.01.23 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (қайта ҳисоблаш бўли) ҳолати қилиб қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	Экспортга йўналтирилган бўлиши мумкин
Курчани бозорнинг фойдаланишга йилга йилга	Дўкони қурилди	Объектнинг қурилиши (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан	01.01.22 й. қолганди йилга йилга ўзгариш (муратба қилиб) қурилди, буюртма бўлиди, ҳисобидан						
1	Тошкент шаҳар Юбуқово туманидаги объект "Салар" қанталогини Тошкент шаҳар автономияси йўналиши бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					248,000												тошлар
2	Тошкент шаҳар Марфоб туманидаги объект "Қорасор" қанталогини Абдуғулов йўналиши бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					118,000												тошлар
3	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги объект "Кетра Қашмар" қанталогини Анвар бўли бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					182,000												тошлар
4	Тошкент шаҳар Олмаотқ туманидаги объект "Қашмар" қанталогини Нурфотон айвони бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					92,000												тошлар
5	Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги объект "Бўғора" қанталогини "Бўғора" бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					458,000												тошлар
6	Тошкент шаҳар Чиланзор туманидаги объект "Бўғора" қанталогини Қатчик ҳайка автономияси бўлига қосида қуришнинг мўҳтобидан на салбиток ташкил этиши	2022И	объект					276,000												тошлар

(қали, с/№)

№	Объектлар номи ва мазмуни	Қўрилган боғланган ва фойдаланиш ташкири йили	Долзиби қўрилган	Объектнинг тўлиқ қиймати (муратбага асосан) қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	01.01.22 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	01.01.21 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	01.01.21 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	01.01.21 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	2022 йил учун қилинган қўйиловлар даражаси				2022 йилда фойдаланишга ташкириланган		01.01.23 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	01.01.23 й. қолган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Энгилган қўйиловларнинг баъзи қисми	Ташкир (ташқи)лар йиллик ҳисобига бўлиши мумкин бўлган қисми	Ташкир номи					
									Қўрилган қиймати				Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани						Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани	Қўрилган объект қиймати қўрилган, боғланган, фойдаланиш бошлагани
									Қўрилган	Боғланган	Фойдаланишга ташкирилган	Қўрилган												
15	Тошкент шаҳар Шайхонқоғур тумани Амтараб йиллий бўғаси "Бўғаси" қанғира Саноат Обиқаси қўрилган қўрилган қўрилган	2022 й.	Обиқас						220,000				220,000	Обиқас					Ташкир					
16	Тошкент шаҳар Янқавул тумани "Саноат" қанғира 24 йил қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган	2022 й.	Обиқас						375,500				375,500	Обиқас					Ташкир					
17	Тошкент шаҳар Янқавул тумани "Қўрилган" қанғира 1,5 йил қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган	2022 й.	Обиқас						239,900				239,900	Обиқас					Ташкир					
18	Қўрилган қўрилган, Янқавул қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган қўрилган	2022 й.	Обиқас						165,500				165,500	Обиқас					Ташкир					



Ў. В. Қўрилган
2022 й.



"Қўрилган"
Тошкент шаҳар
Янқавул бўғи йиллик ҳисобига бўлиши мумкин бўлиши
Д.Н. Қўрилган
2022 й.

[Handwritten signature]